# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 12 июнь, № 116 (8739) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 июнь куни Америка Қўшма Штатларининг Савдо вакили Кэтрин Тайни қабул қилди.**



Америка идораси раҳбари Ўзбекистон етакчисига АҚШ Президенти Жо Байденнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Учрашув давомида икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ишбилармонлик алоқалари фаоллашгани, ўзаро товар айирбошлаш ва инвестициялар кўрсаткичлари барқарор ўсаётгани мамнуният билан қайд этилди.

АҚШнинг «Air Products», «Coca-Cola», «Citibank», «Visa» ва бошқа кўплаб етакчи корхоналари ва банклари билан кооперация алоқалари ривожланмоқда.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши, «GSP» тизимини қайта тиклаш, «C5+1» формати ҳамда Савдо ва инвестициялар бўйича ҳадли битим доирасида амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Саноат кооперацияси учун янги соҳаларни аниқлаш ва тегишли лойиҳаларни илгари суриш бўйича қўшма платформани ишга тушириш муҳим экани таъкидланди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

# ОЗАРБАЙЖОН БИЛАН МАДАНИЙ АЛМАШИНУВ ЯНАДА КЕНГАЙИШИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 июнь куни Озарбайжон маданияти кунларини ўтказиш доирасида мамлакатимизда бўлиб турган Озарбайжон Республикаси маданият вазири Адил Каримлини қабул қилди.**

Учрашув аввалида Адил Каримли давлатимиз раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг саломлари ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини, шу жумладан, устувор ҳисобланган гуманитар соҳадаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз етакчиси сўнгги йилларда маданий алмашинув фаоллашганини катта мамнуният билан қайд этди.

Жорий йил бошидан буён Боку шаҳрида Ўзбекистон илм-фани ва маданияти кунлари, кўргазма ва «Лазги» миллий балети премьераси муваффақиятли ўтказилди.

Озарбайжон маданияти кунлари доирасида шоир ва мутафаккир Муҳаммад Фузулий китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Шунингдек, кўргазма, саҳна асарлари намойишлари ва бошқа тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

«Йўл харитаси» асосида фаол мулоқотни ва тадбирларга бой маданий дастурни давом эттириш, ЮНЕСКО, ТУРКСОЙ ва АЙСЕСКО каби халқаро ташкилотлар доирасида қўшма ташаббус ва лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

**ЎзА.**

# КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль 13 — 15 июнь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.**

Ташриф дастурига мувофиқ Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон — Корея дўстлик ва алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

Савдо, инновациялар ва технологиялар алмашинуви, энергетика, электроника ва электротехника, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, инфратузилмавий ривожланиш ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари эътибор марказида бўлади. Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва туризм соҳаларидаги қўшма дастурлар муҳокама қилинади.

Шунингдек, минтақавий, шу жумладан, «Марказий Осиё — Корея Республикаси» форматидаги ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашиш режалаштирилган.

Саммит якунлари бўйича бир қатор ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида Ўзбекистон ва Жанубий Корея Президентлари қўшма бизнес форумида иштирок этадилар.

Президент Юн Сок Ёль мамлакатимизнинг бой маданий-тарихий мероси билан танишиш мақсадида Самарқанд шаҳрига ташриф буюради.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# МУБОРАК ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимизда меҳр-оқибат, бағрикенглик, мурувват, дўстлик ва ҳамжиҳатлик каби эзгу тамойилларни мустаҳкамлаш борасидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ушбу қутлуғ айёмни муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик ғоялари ҳамда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2024 йилда муборак Қурбон ҳайитининг биринчи куни **16 июнь — якшанба** кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, юртимизда **16 июнь** куни Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Қуйидагилар:

а) Меҳнат кодексининг 208-моддасига мувофиқ:

ишланмайдиган байрам куни ҳисобланувчи Қурбон ҳайитининг биринчи куни дам олиш кунига тўғри келиши муносабати билан ушбу дам олиш куни **17 июнь — душанба** кунига кўчирилиши;

бунда ишлаб чиқариш-техник ва ташкилий шароитлар (мавжуд узлуксиз ишлаб чиқариш, аҳолига ҳар куни хизмат кўрсатиш, навбатчилик асосида ишлаш ва бошқалар) туфайли ишланмайдиган байрам кунлари тўхтатиб қўйиш мумкин бўлмаган ишларни бажаришда дам олиш кунлари кўчирилмаслиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 22 декабрдаги "2024 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ–213-сон Фармони билан **18 июнь — сешанба** куни барча ходимлар учун қўшимча дам олиш куни этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда муборак Қурбон ҳайитини халқимизнинг **миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда** ўтказиш учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Туризм қўмитаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун муборак Қурбон ҳайити кунларида **мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш** мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 11 июнь

# ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗАРБАЙЖОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли меҳмонлар!

Азиз ватандошлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, бугунги улкан воқеа — Ўзбекистонда Озарбайжон маданияти кунларининг тантанали очилиши билан барчангизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сизларга яхши маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Озарбайжон давлатлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари жадал ривожланиб, мутлақо янги босқичга кўтарилмоқда.

Буни барча соҳалар қатори маданий-гуманитар йўналишдаги алоқаларимиз ҳам изчил ривожланиб бораётгани мисолида барчамиз яққол кўриб турибмиз.

Озарбайжон Республикаси Президенти, азиз қардошим Илҳом Гейдарович Алиев билан келишувларимиз асосида ўтган йили Озарбайжонда Ўзбекистон маданияти кунлари, шу йил январь ойида эса Ўзбекистон фани ва маданияти кунлари юксак савияда ўтказилди.

Қадимий Озарбайжон заминида ўзбекистонлик илм-фан ва маданият намояндалари катта ҳурмат-эътибор билан кутиб олингани, бу диёрда бўлиб ўтган қизғин ва самимий учрашув ҳамда мулоқотлар, ҳеч шубҳасиз халқларимиз ўртасидаги азалий қардошлик муносабатларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Биз Ўзбекистонда ўтказилаётган Халқаро мақом санъати анжумани, Бахшичилик ва "Лазги" фестиваллари ҳамда бошқа йирик маданий тадбирларда Озарбайжон ижодкорлари мунтазам иштирок этиб келаётганини юксак қадрлаймиз.

Озарбайжонда миллий муғом санъати бўйича бўлиб ўтадиган анъанавий фестивалга ўзбек санъаткорлари доимий таклиф этиб борилаётгани алоҳида диққатга сазовордир.

Мамлакатимизда катта шоду хуррамлик билан бошланаётган Озарбайжон маданияти кунлари қардош озар заминида бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти кунларининг узвий давомидир.

Ишончим комил, бизнинг санъатсевар халқимиз орзиқиб кутган ушбу маданият кунлари қардошларимизнинг қадимий ва бой маданияти, санъати, адабиёти, миллий анъана ва қадриятлари билан янада яқинроқ танишиш учун қулай имкониятлар берадиган гўзал бир анжуман бўлади.

Сиз азиз, Озарбайжон маданияти кунларининг барча иштирокчиларини яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, юксак ижодий парвозлар тилайман.

Сизлар ушбу маданият ва санъат байрами доирасида Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар билан халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданияти билан янада яқинроқ танишасизлар, деб ишонаман.

Қардошларингиз диёри — Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Сенатор ва ҳаёт

# МУРОЖААТЧИ АЁЛГА УЙ-ЖОЙ БЕРИЛАДИГАН БЎЛДИ

*Олий Мажлис Сенати аъзолари фуқароларнинг мурожаатларига доимий тарзда эътибор қаратиб, уларни ижобий ҳал этиш чораларини кўриб келмоқда.*

Шу йилнинг 3 — 7 июнь кунлари парламент юқори палатасига жами 171 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 48 таси электрон шаклда, 123 таси ёзма равишда юборилган. Бундан ташқари, Сенатнинг фуқаролар қабулхонасида 44 нафар фуқаро қабул қилинди.

Аксарият мурожаатлар сенаторлар томонидан жойига чиққан ҳолда ўрганилиб, зарур чоралар кўрилаётгани ҳам эътиборга молик.

Жумладан, Олий Мажлис Сенати аъзоси А. Ҳусейнова Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги "Эски қалъа" МФЙда ижарада турувчи фуқаро хонадонига бориб, у билан мулоқот ўтказди.

Аёл ёлғиз она эканини, қарамоғида уч нафар фарзанди борлигини, соғлиғи ҳам яхши эмаслигини билдириб, уй-жой масаласида ёрдам сўраган эди.

Эътиборлиси, унинг шароити инобатга олиниб, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қоракўл тумани бўлими ҳамда туман ҳокимлиги томонидан икки хонали ижтимоий уй ажратиш масаласи кўриб чиқиладиган бўлди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, бу аёл олдин ҳам иш билан таъминлаш масаласида мурожаат қилган ҳамда унга тикув машинаси берилган ва бепул тарзда ўқув курсларида ўқитилган эди. Аёлнинг ижтимоий ҳолати сенатор томонидан назоратга олинган.

**«Халқ сўзи».**

Ташриф олдидан

Ўзбекистон — Корея Республикаси:

# КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИГА СОДИҚЛИК ВА АЛОҲИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль 13 — 15 июнь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлади.*

1992 йил 29 январда ўрнатилган Ўзбекистон — Корея Республикаси дипломатик муносабатлари икки давлат ўртасида турли соҳалардаги муваффақиятли ҳамкорлик намунаси бўлиб келмоқда. Ўттиз йилдан ортиқ давом этиб келаётган ўзаро яқин алоқалар бир неча асосий босқичлардан ўтиб ривожланди ва мустаҳкамланди. 2006 йилда икки давлат ўртасида Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланган бўлса, 2019 йилда муносабатлар алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Бу босқичлар чуқур тарихий алоқаларни акс эттиради ва ўзаро алмашинувларнинг юқори динамикаси билан ажралиб туради. Олий даражадаги ташрифларнинг мунтазам алмашинуви Ўзбекистон — Корея Республикаси муносабатлари ҳар икки томон учун муҳимлигини таъкидлайди. Давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорлик ва глобал масалаларни муҳокама қилиш учун учрашадилар. Мазкур учрашувлар турли соҳаларда ўзаро англашувни чуқурлаштириш ва ҳамжиҳатликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда ҳамда муҳим шартнома ва ҳамкорлик меморандумлари имзоланишига замин яратмоқда.

Парламентлараро алоқалар Ўзбекистон — Корея Республикаси муносабатларида муҳим ўрин тутади. Парламентарийларнинг мунтазам учрашув ва делегациялар алмашинуви икки томонлама ҳамкорликнинг қонунчилик базасини ривожлантириш ва халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда Парламентлараро дўстлик гуруҳлари ўзаро тажриба алмашишда фаол иштирок этаётир.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси турли халқаро ташкилотлар ва форматлар доирасида ҳам фаол шериклик қилиб келмоқда. Бундай кўп томонлама музокаралар мамлакатларга глобал ва минтақавий масалаларни ҳал этишда саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, халқаро майдонда ўз позицияларини мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган ташаббусларни биргаликда илгари суриш имконини беряпти.

Жумладан, расмий Сеул халқаро майдондаги ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида", "Маърифат ва диний бағрикенглик" (2018), "Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш" (2019), "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида"ги (2022) резолюцияларини қўллаб-қувватлади ва ҳаммуаллифларидан бири бўлди.

Корея Республикаси томони 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига Ўзбекистон номзодини, шунингдек, 2023 йилда Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессияси ўтказиладиган жой сифатида Самарқанд шаҳри номзодини қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик сезиларли тараққиётни кўрсатмоқда. 2023 йилда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 2,3 млрд. долларни ташкил этгани ўзаро манфаатдорлик даражаси юқори эканидан далолат беради. Жумладан, Корея Республикаси компаниялари Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритишда пешқадамлардан.

➡ 2

Ўзбекистон — Корея Республикаси:

# КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИГА СОДИҚЛИК ВА АЛОҲИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

←1 Улар энергетика, қурилиш, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда турли лойиҳаларни амалга оширишда муваффақиятли иш олиб бормоқда. Бугунги кунда юртимизда ушбу мамлакат капитали иштирокида 700 дан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқда.

2024 йилда Сеул шаҳрида Ўзбекистон Савдо уйининг очилиши икки томонлама иқтисодий муносабатлар тарихидаги муҳим қадам бўлди. Бугунги кунда мазкур савдо уйи Ўзбекистон товар ва хизматларини Корея Республикаси бозорида илгари суриш, икки давлат тадбиркорлари ўртасида ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш учун муҳим майдонга айланган.

Корея — Ўзбекистон ишбилармонлар ассоциацияси ҳам икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим воситаси ҳисобланади. У тадбиркорлар ўртасида воситачи бўлиб, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган бизнес-форумлар, кўргазмалар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ташкил этаётир.

**Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги инвестициявий ҳамкорлик кенг кўлам касб этган. Ушбу мамлакатнинг юртимиз иқтисодиётига жалб этган тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 7,5 млрд. доллардан ошди.**

Жанубий Корея, шунингдек, Ўзбекистонга молиявий ва техник ёрдам кўрсатяпти. Жумладан, мамлакат “Эксимбанки” билан ҳамкорлик доирасида 1999 йилдан буён умумий қиймати 2,6 млрд. долларлик 17 та қўшма лойиҳа амалга оширилди.

2020 йил декабрь ойида Корея Республикаси ҳукумати БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондига 1 млн. АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам бериш тўғрисидаги келишувни имзолади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик чуқур илдизларга эга. Икки халқнинг маданияти, менталитетининг ўхшашлиги мазкур жабҳадаги икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётир.

Ўзбекистон — Корея Республикаси муносабатларининг муҳим йўналиши таълим ва фан соҳаларидаги алоқалардир. Мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари Жанубий Кореянинг 45 дан ортиқ олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг 4 та олий ўқув юртининг филиаллари очилган. Тошкент шаҳрида Инҳа, Пучон, Ёджу, шунингдек, Фарғонадаги Корея халқаро университети филиалларининг ташкил этилгани бу борадаги алоқаларни янги поғонага кўтарди. Бундан ташқари, ўзбекистонлик талабалар Жанубий Кореянинг етакчи университетларида таълим олиш имкониятига эга. Ахборот технологиялари, тиббиёт ва инжиниринг каби йўналишларда олиб борилаётган илмий алмашинувлар ва қўшма тадқиқотлар ҳар икки мамлакат илмий салоҳиятини юксалтиришда муҳим омил бўляпти.

Юртимизнинг 9 та олий ўқув юрти, 24 та мактаб ва лицейида корейс тили ўқитилмоқда. Жанубий Кореянинг Пусан ва Тэгу шаҳарларидаги хорижий тиллар университетларида, ўз навбатида, ўзбек тили бўлимлари ташкил этилган. Шунингдек, Корея Республикаси олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар сони 11 мингдан ошади.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги илмий ҳамкорлик биотехнология, нанотехнология, тиббиёт фанлари каби йўналишларда қўшма тадқиқотлар олиб бориш орқали фаол ривожланмоқда. Икки мамлакатнинг илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари қўшма лойиҳалар ҳамда олимлар алмашинувини амалга ошираётгани илмий салоҳият ва инновацияларни ривожлантиришга хизмат қиляпти.

Икки мамлакат ўртасида фаол маданий алмашинувлар йўлга қўйилган бўлиб, бу халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

2014 йилда Тошкентда очилган Сеул боғи, шунингдек, Сеул шаҳри марказида қад ростлаган улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали ўзбек ва корейс халқлари ўртасидаги дўстлик рамзларидир.

Ўзбекистонда қарийб 180 мингдан ортиқ этник корейс миллатига мансуб диаспора вакиллари ҳам халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондаги корейс диаспораси сони бўйича Марказий Осиёда энг кўп, дунёда эса бешинчи ўринда туради. Ўзбекистонда корейсларнинг тили, маданияти ва анъаналарини асраб-авайлашда мамлакатимизнинг барча ҳудудида фаолият юритаётган миллий маданият марказлари катта ҳисса қўшмоқда.

Тошкентдаги Сеул боғида корейс миллатига мансуб юртдошларимиз Ўзбекистонда яшаётганининг 80 йиллиги муносабати билан ёдгорлик монументи очилди. 2019 йил 20 апрелда эса Тошкент шаҳрида Корейс маданияти ва санъати уйи очилди.

Икки мамлакат ўртасидаги соғлиқни сақлаш соҳасидаги алоқалар ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Корея Республикаси Ўзбекистон тиббиёт ходимларини мамлакатнинг етакчи клиника ва марказларида ўқитиш ҳамда стажировкадан ўтишда ёрдам кўрсатмоқда.

2020 йилда “EDCF” жамғармаси кўмагида Тошкент шаҳрида кўп тармоқли Болалар миллий тиббиёт маркази қурилиши якунланди. Мазкур лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши тиббиёт кластерини, жумладан, катталар учун кўп тармоқли шифохона, онкология клиникаси, тиббиёт университетини барпо этиш, шунингдек, фармацевтика кластерини яратиш бўйича янги ғояни ишлаб чиқишга замин ҳозирлади.

Сўнгги йилларда Корея Республикасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик йўналишларига қизиқиш ортиб бормоқда. 2023 йилда мамлакатимизга Жанубий Кореядан 35 мингдан ортиқ сайёҳлар ташриф буюрди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар мавжудлиги ҳам икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Икки мамлакат пойтахтлари ва йирик шаҳарлари ўртасидаги тўғридан-тўғри мунтазам ҳаво қатновлари саёҳатни янада қулай қилиб, бизнес ва туристлар оқимининг ўсишига муҳим омил бўлаётир.

Бундан ташқари, мамлакатларимиз атроф-муҳитни яхшилаш ва иқлим ўзгаришига қарши курашишга қаратилган қўшма экологик лойиҳалар устида ҳам фаол ишламоқда. Ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири сув ва ҳавони тозалаш технологияларини жорий этишдир. Корея Республикаси компаниялари ва экспертлари чиқиндиларни қайта ишлаш ва унинг илғор усулларини жорий этишга кўмаклашмоқда, бу эса Ўзбекистонда экологик вазиятни яхшилашга ҳисса қўшяпти.

Расмий Тошкент ва Сеул Ўзбекистон — Корея Республикаси ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун салмоқли салоҳиятга эга эканини алоҳида таъкидламоқда. “Яшил” иқтисодиёт, рақамлаштириш ва инновациялар каби ўзаро ҳамкорликнинг янги соҳалари истиқболдаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларига айланиши мумкин.

Бугун шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Корея Республикаси муносабатлари 1992 йилда ўрнатилганидан буён узоқ йўлни босиб ўтди ва ўтган давр мобайнида мамлакатларимиз алоҳида стратегик шериклик намунасига айланди. Шу нуқтаи назардан, Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга бўлажак ташрифи ҳамкорлик уфқларини кенгайтириб, икки мамлакат ва халқлар тараққиёти ҳамда фаровонлиги йўлида ўзаро шерикликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг янги истиқболларини белгилаб бериши, шубҳасиз.

**«Дунё» АА.**

# МАҚСАДИМИЗ — КОРРУПЦИЯГА ТЎЛИҚ БАРҲАМ БЕРИШ

***Маълумки, инсоният тараққиётига тўсиқ бўладиган хатарли иллатлардан бири, шубҳасиз, коррупциядир. Шу боис охирги йилларда мамлакатимизда бу иллатга қарши кескин чоралар кўриб келинмоқда. Буни яқинда “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мисолида ҳам кузатиш мумкин.***

***Ёдингизда бўлса Президентимизнинг 2020 йил январь ойидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамиятимизнинг барча аъзолари “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаслигимиз алоҳида таъкидланган ва шундан кейин коррупцияга қарши тизимли чора-тадбирлар бошлаб юборилганди.***

## Мушоҳада

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларга янгича суръат бағишлади. Унда мамлакатимизда коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз кураш олиб бориш чоралари баробарида илғор халқаро стандартлар асосида норматив- ҳуқуқий базани такомиллаштириш вазифалари ҳам белгилаб берилган.

Шу асосда Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилинди ва унда бир қатор қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

**Улар қуйидагилардан иборат:**

- “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун;
- давлат хизматчиларининг Одоб-ахлоқ кодекси;
- коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахслар очиқ электрон реестрини ва у билан боғлиқ чекловларни амалиётга жорий этишга қаратилган қонун;
- “Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тўғрисида”ги қонун;
- “Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида”ги қонун;
- Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилган ва (ёки) қонуний талабларини бажармаган мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи қонун;
- Коррупцияга қарши курашиш агентлигига манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатлар аниқланганда, шартнома, буйруқ ва бошқа ҳужжатлар ижросини тўхтатиш тўғрисида тегишли органга тақдимнома киритиш ёки уни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича судга даъво киритиш ваколатини беришни назарда тутувчи қонун.

Айтиш жоизки, ўтган даврда бу қонунларнинг аксарияти, жумладан, жорий йил июнь ойида “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун имзоланди ва у расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

Қонун давлат органларига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат муассасаларига, давлат унитар корхоналарига, давлат мақсадли жамғармаларига, шунингдек, устав фондида давлат улуши 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларига нисбатан қўлланилади. Унда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг асосий принциплари этиб қонунийлик; фуқаролар, ташкилотлар, жамиятлар ва давлатнинг қонуний манфаатлари устуворлиги; очиқлик ва шаффофлик; холислик; коррупцияга нисбатан муросасизлик принциплари алоҳида белгилаб қўйилган.

Айни чоғда қонунда давлат органи ёки бошқа ташкилотнинг ходими, манфаатлар тўқнашуви, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича махсус бўлинма, шахсий манфаатдорлик, яқин қариндошлар тушунчаларининг маъноси очиб берилган. Яъни давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими, бу, давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда меҳнат шартномаси асосида ёхуд сайлаб қўйиладиган ёки тайинланадиган лавозимда ишлаётган бошқарув ходимлари деб белгиланди. Яқин қариндошлар қаторига эса ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари киритилган.

Қонунга биноан, давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг яқин қариндошлари ёхуд ушбу ходим ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс устав фонди акцияларига ёки улушларига эгалик қилса, ўша юридик шахс, шунингдек, ходим ёхуд унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахс давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимига алоқадор шахслар деб эътироф этилади.

Айтиш керакки, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилган манфаатлар тўқнашуви тушунчаси ҳам янги таҳрирда янада кенгайтирилди ва тегишли қонунларга ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра манфаатлар тўқнашуви шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқаролар, ташкилотлар, жамият ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият деб белгиланди.

Қонунга мувофиқ давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими ўз лавозим мажбуриятларини ёки хизмат ваколатларини виждонан бажариши ва улар бажарилишига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўз шахсий манфаати билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши керак бўлади.

Шу билан бирга, мавжуд манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, тезда ўзининг бевосита раҳбарини ёки махсус бўлинмани хабардор қилиши, ўзининг бевосита бўйсунувидаги ходимларни ёки бошқа ходимларни ўзининг шахсий манфаатини кўзловчи ҳаракатга (ҳаракатсизликка) мажбурламаслиги, шунингдек, бошқа ходимларга нисбатан ўзига маълум бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳоллари тўғрисида хабар бериши шарт.

Давлат органи ёки бошқа ташкилотнинг ходими манфаатлар тўқнашуви ўзига маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан бир иш куни ичида мавжуд вазият ҳақидаги белгиланган шаклдаги хабарномани тўлдириши ва ўзининг бевосита раҳбарига ёки махсус бўлинмага тақдим этиши керак бўлади. Масалан, яқин қариндошлари бевосита ходимнинг бўйсунувидаги ишга қабул қилинган ёки ходимнинг ишига ўзига алоқадор шахслар жалб этилган бўлса, у ўзига алоқадор шахсларга таааллуқли масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этаётган ёки яқин қариндоши текширув ўтказилаётган объектда текширув бўйича масъул мансабдор шахс сифатида ишлаётган бўлса, албатта, сал илгари келтириб ўтилган ҳаракатни амалга ошириши талаб этилади.

Агар давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими шахсга доир маълумоти ўзгарган тақдирда ҳар йили 15 январдан кечиктирмай эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдириши лозим бўлади. Қолаверса, ишга қабул қилинаётган номзод ёки бошқа ишга ўтказилган ходим эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тақдим этади.

Давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чеклов қўлланиши мумкин. Масалан, манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни яширишга, била туриб ёлғон ахборот тақдим этишга, бири бошқасига бўйсунувчи ёки назоратидаги ташкилотда ўриндошлик бўйича ишлашга, тижорат ташкилоти таъсисчиси, шу жумладан, акциядори, иштирокчиси бўлишга, ўзи меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ташкилот назоратида бўлган тижорат ташкилотларининг акцияларига ёки устав капиталидаги улушларига ўзи ёки яқин қариндошлари эгалик қилишига, ушбу ташкилотлар бошқарув органи аъзоси бўлишига ҳақли эмас.

Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни давлат томонидан бир қатор органлар тартибга солади. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, давлат органларининг ёки бошқа ташкилотлар, ушбу идоралар одоб-ахлоқ комиссияси, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича махсус бўлинма, ушбу идораларнинг коррупцияга қарши ички бўлинмалари ва кадрлар бўлинмалари шулар жумласидандир.

Умуман, янги қабул қилинган қонун жамиятимизда коррупциявий омилларни бартараф этишда ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди. Унда белгилаб қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш биз, халқ вакилларидан ҳам юксак масъулият талаб қилишини яхши тушунамиз.

**Ботир МАТМУРАТОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг**
**Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари.**

# УСТУВОР ТАМОЙИЛЛАРНИ АМАЛГА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қуйи палата Спикери Н. Исмоилов мажлис аввалида ўтган ҳафтада юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеаларга тўхталиб ўтди. Хусусан, Президентимизнинг 6 июнь куни Туркияга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашда янги истиқболларни очиб бергани таъкидланди.*



## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Давлатимиз раҳбарининг жойларга чиқиб, барча соҳа ва тармоқлардаги ислоҳотлар самарадорлигини таҳлил қилиб бориши ўзига хос анъанага айланаётгани, ушбу амалиёт ҳудудлардаги ишларни тўғри ташкил этиш ва натижадорликни таъминлашда муҳим роль ўйнаётгани алоҳида урғуланди. Мамлакат раҳбарининг Яккасарой ва Яшнобод туманларида бўлиб, жамоат хавфсизлиги ва спорт соҳаларидаги янги объектлар ҳамда маҳаллаларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишгани бунга мисол қилиб келтирилди.

Шундан сўнг мажлисда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини тартибга солишга, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашга, янги таҳрирдаги Конституцияда мустаҳкамланган устувор принципларни амалга оширишга, судларда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини тўлақонли ҳимоялашга, давлат мулкини бошқариш соҳасини такомиллаштиришга, ишга қабул қилишда фуқароларга тенг имкониятлар яратишга оид бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

### Ҳукумат аъзолари ҳар ярим йилда қуйи палатага ҳисобот тақдим этади

Мажлисда депутатлар томонидан “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Вазирлар Маҳкамасининг мақоми, таркиби, уни шакллантириш тартиби, ваколатлари ҳамда фаолиятини ташкил этишга оид бир қатор янгиликлар назарда тутиляпти. Хусусан, Бош вазир, унинг ўринбосарлари ва вазирлар билан биргаликда ҳар ярим йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳисобот тақдим қилиши белгиланмоқда. Янги таҳрирдаги Конституциядан келиб чиқиб, Ҳукуматнинг иқтисодиёт, бюджет, молия, солиқ, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги ваколатлари қайта кўриб чиқилмоқда.

Қонун лойиҳасининг 4-моддасида республика ижро этувчи ҳокимият органларининг (вазирлик, қўмита, агентлик, инспекция), хусусан, ҳудудий бўлинмалар кесимидаги ҳар бирининг мақоми, уларни ташкил қилиш ва тугатишнинг аниқ, ягона тартиби ҳамда бир-биридан фарқловчи мезонлари белгилаб берилмоқда.

Шунингдек, вазирларнинг ўзи раҳбарлик қилаётган вазирликда ишни натижадор ва самарали ташкил этиш, бириктирилган соҳа ва тармоқларда ягона давлат сиёсатини самарали олиб бориш, уни ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришиш, бу борадаги ишларнинг йил якунигача ҳолати юзасидан ҳисобот бериш ва уни очиқ эълон қилиш каби йўналишлардаги масъулияти ва шахсий жавобгарлиги кучайтирилмоқда.

Муҳокама давомида депутатлар бир қатор аниқлаштирувчи саволлар ва таклифларни ўртага ташлади. Маълум бир нормалар юзасидан тушунтиришлар сўралди. Масъул қўмита аъзолари томонидан батафсил маълумотлар берилди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Вазирлар Маҳкамаси ишини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, замонавий механизмларни жорий этиш, Ҳукумат аъзоларининг бириктирилган соҳаларда аниқ натижаларга эришиши учун шахсий масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

### Шаҳарсозликка оид талабларни бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда

“Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модда-модда муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳамда “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунга шаҳарсозликка оид қонунчилик талабларини бузганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, Жиноят кодексининг амалдаги $229^3$-моддасининг санкциялари кучайтирилиб, бош режаларга зид равишда қурганлик, фойдаланишга қабул қилиш қоидаларига риоя этмаганлик, кўп квартирали уйлардаги таянч конструкцияларни бузганлик ва рухсат олмасдан қурганлик учун маъмурий жарималар қўлланилганидан сўнг ушбу ҳуқуқбузарликларнинг қайта содир қилиниши жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши белгиланмоқда.

Яъни мазкур қилмишларнинг оғир ёки енгиллигига қараб маъмурий жазо тайинлангандан сўнг содир этилса — 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмоқда. Агар қонунбузарлик одамлар ўлимига сабаб бўлса ёки бошқа оғир оқибатларни келтириб чиқарган ҳолларда — 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёки шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланяпти.

Шунингдек, ҳуқуқбузарлик ва қонунбузарлик тўғри квалификация қилиниши учун ҳар бир ҳуқуқбузарлик алоҳида қисм сифатида қайд этилмоқда. Инспекция ёки судларда юз бериши мумкин бўлган коррупциянинг олдини олиш мақсадида маъмурий жарималар миқдорини ягона қилиб белгилаш, яъни амалдаги “маълум бир суммадан маълум суммагача” деган нормадан воз кечиш назарда тутилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита томонидан ишчи гуруҳ аъзолари билан биргаликда бир қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Муҳокамада сўзга чиққан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Козим Тўлаганов қурилиш ташкилотларининг ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётгани ва соҳада муайян ишлар амалга оширилаётганига тўхталиб, қабул қилинган қонун лойиҳаси қурилишда йўл қўйилаётган айрим камчиликларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятли эканини алоҳида таъкидлади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

### 28 та қонун ҳужжати янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштирилмоқда

Депутатлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларини янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига мувофиқлаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан 28 та қонун ҳужжатига оммавий ахборот воситалари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 19-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглигига оид норма белгиланганлигидан келиб чиқиб, 22 та қонунчилик ҳужжатининг тегишли моддаларига янги таҳрирдаги Конституция матнига мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан ўзгартиришлар киритилмоқда.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита томонидан ишчи гуруҳ аъзолари билан биргаликда муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, қонун лойиҳасининг номи тегишли нормасига қўшимча киритиш назарда тутилганлиги сабабли ўзгартирилди, айрим таҳририй ўзгартиришлар киритилди.

Мажлисда мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги таҳрирдаги Конституциянинг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилишини, унда мустаҳкамланган устувор принципларнинг Янги Ўзбекистон ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқарилишини, янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда давлат органларининг фаолияти йўлга қўйилишини таъминлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

### Судларда прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти янада такомиллаштирилади

Мажлисда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Судларда ишлар кўрилишида прокурор

**Ўзбекистонда 13-14 июнь кунлари анъанавий халқаро анжуман — Инсон ҳуқуқлари бўйича тўртинчи Самарқанд форуми бўлиб ўтади.**



# НАВБАҲОРНИНГ 19 ЁШЛИ МИЛЛИОНЕРИ

*Навбаҳорлик Сарвар Андақулов 5-синфда ўқиб юрган кезларида икки ҳовли наридаги хонадонда йўлга қўйилган асаларичиликка қизиқиб қолди. Вақт топди дегунча ўша ҳовлига ўтиб, асаларичилик заҳматини туну кун кузатар, арилар чақиб, кўзлари юмилиб қолганига ҳам парво қилмасди.*

## Интилиш



— Астойдил қизиқишимни кўрган бобом икки қути асалари олиб берди, — дейди С. Андақулов. — Ўшанда еттинчи синфга ўтган эдим. Шундан буён ҳар йили уларни кўпайтириб бораман.

Бугун Сарвар Андақулов 19 ёшда. Қарамоғидаги асаларилар эса 100 қутига етган. Ўтган йили ҳар қутидан 20 килограммдан, жами 2 тонна бол йиғиб, 160 миллион сўм даромад қилди.

Топганининг 20 миллион сўмини асалариларига харажат қилганини инобатга олсак, у тенгқурлари орасида илк миллионер ҳисобланади. Тўғри, айни кунда бу пулга нари борса минилган автомашина харид қилиш мумкиндир. Лекин бир кишининг ўспиринлик чоғидаёқ тадбиркорлик ҳадисини олиб, ҳаётда ўз ўрнини топганини инобатга олсак, унинг ижтимоий аҳамияти салмоқли эканлиги билинади.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**




*Сўнгги йилларда халқимизни сифатли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада юртимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш ҳажми йилдан-йилга ортмоқда.*

*Бинобарин, юртимиз тобора тараққий этар экан, шунга мутаносиб тарзда заводу фабрикалар сони ҳам ортиб боряпти, тадбиркорлик субъектлари кўпаймоқда. Муҳташам ва осмонўпар туражойлару маданий-маиший объектлар сафи кенгаётир. Табиийки, бундай тараққиёт ва юксалишларни электр таъминотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо тан олиш керак, электр энергиясини ҳосил қилиш ва узатиш осон иш эмас. Унинг замирида катта ва машаққатли меҳнат мужассам. Шундай экан, ундан тежаб, тергаб, оқилона фойдаланиш бугунги куннинг муҳим талабига айланмоқда.*

## Долзарб мавзу

*Президентимиз раислигида шу йил 10 июнь куни энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда энергетика соҳаси объектларининг куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида айнан шу масала юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди. "Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" масъулияти чекланган жамияти бош директорининг ўринбосари Аҳрор АШРАФХОНОВнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик.*

— Халқимизда "сувтекин" деган ибора бор. У одатда "бепул эмас, аммо ўта арзон" деган маънода ишлатилади. Бугунги реалликка мутлақо тўғри келмайдиган бундай таърифни баъзи кишилар "электр, бу битмас-туганмас манба, туну кун ёниб турса ҳам ҳеч кимнинг чўнтагига зарар солмайди" деб нотўғри талқин қилишади. Ҳатто бундайлар кўп қаватли уй йўлагида ёки кўчада кундуз куни ёниб турган чироқни ўчириб қўйишга ҳафсала қилмайди. Ҳолбуки, ҳар бир одам биттадан чироқни ўчирганда ҳам бу билан мамлакат миқёсида қанчадан-қанча электр қувватини асраб қолган бўлади. Тежамкорлик аслида халқимиз табиатига хос фазилат эканига давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида алоҳида урғу бериб, "Тежаш — йўқотишларни камайтириш, тежамкор технологияларни жорий қилиш ҳисобига бўлиши шарт" деди.

Айтмоқчимизки, йиғилишда ишларни энг оғир маҳаллалардан бошлаб, йил якунигача 30 минг километр тармоқ, 10 мингта трансформаторни янгилаш масаласига эътибор қаратилди. Бу жиҳатдан Тошкент шаҳрида ҳам қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Негаки, пойтахтимиз ҳудуди тобора кенгайиб, туражой ва маданий-маиший объектлар, тадбиркорлик субъектлари сони ортиб бормоқда. Бу эса электр қувватига бўлган тақчилликни келтириб чиқариши табиий. Шу боис биз жорий йилнинг мос даврига қадар 2 та янги подстанцияни ишга туширган бўлсак, йил якунига қадар яна 3 та подстанцияни фойдаланишга топширишни кўзда тутганмиз.

Тошкентимизнинг кун сайин гўзаллашиб, муҳташам ва мегаполис шаҳарга айланиб боришида электр таъминоти муҳим роль ўйнайди. Эътибор беринг, ўрта ҳисобда йилига пойтахтимизга 30 мингга яқин истеъмолчилар қўшиляпти. Бу айтишга осон. Шунча истеъмолчини барқарор электр қуввати билан таъминлаш учун қўшимча манбаларни ишга туширишга тўғри келяпти. Шунинг ҳисобига қўшимча тармоқ ва трансформаторлар ўрнатяпмиз. Ҳозирги кунда шаҳримизда 780 мингдан зиёд истеъмолчилар бўлса, шунинг 30 мингтаси юридик шахслар ҳисобланади.

Селекторда Президентимиз муқобил энергиядан унумли фойдаланишнинг нафақат электр таъминотидаги барқарорликка таъсири, балки экология ва атроф-муҳит мусаффолигида ҳам муҳим аҳамият касб этишини айтди. Бу борада Тошкент шаҳрида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий соҳада, тадбиркорликда биринчи қилинаётган иш қуёш электр станцияларини жорий этишга қаратилмоқда. Бу дегани, электр энергияни атроф-муҳитга зарар келтирувчи манбалардан эмас, тепамизда беминнат нур сочиб турган қуёшдан олиш билан боғлиқдир. Қолаверса, қуёш панелларини ўрнатган хонадон наинки ўзини электр билан таъминлайди, ортган энергияни сотиб, даромад ҳам кўради.

Бугунги кунда шаҳримизда 300 дан ошиқ юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектлари қуёш электр станцияларини ўрнатиб, шартнома асосида ортиқча электр қувватини бизга етказиб бермоқда. Қувонарлиси, бу каби фойдали иш аҳоли томонидан ҳам амалга оширилаётир. Яъни шу кунларда 500 дан ортиқ жисмоний шахслар ҳам қуёш панеллари ўрнатиб, истеъмолдан ортиқча электр қувватини сотиб, даромад топмоқда.

Йиғилишда яна бир муҳим масалага эътибор қаратилди. Бу — ҳар бир электромобиль учун қувватлантирадиган ускуналар бўлиши лозимлиги билан боғлиқ. Чунки электромобиллар қанча кўпайса, ҳаво шунча тоза ва мусаффо бўлади. Бу ишни асло кечиктириб бўлмайди. Бундай автоуловларнинг сони уч йилда 10 карра ошиб, 35 мингтага етгани қайд этилди.

Электромобилларнинг кўп қисми Тошкент шаҳрида эканига эътибор қаратадиган бўлсак, эндиликда уни уйда қувватлашни рағбатлантирадиган тунги тариф жорий қилиш, ускунага ҳисоблагич ўрнатганларга тунги вақтда қувватлаганлик учун арзон тариф қўлланиши белгиланганы аҳоли учун катта имтиёз яратади. Кўп қаватли уйлар ёнида, савдо марказлари, меҳмонхона ҳамда дам олиш масканлари автотураргоҳларида қувватлаш станцияларини қуришнинг аҳамияти катта. Мақсад — электрни тежаш ва уни халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз равнақи йўлида сарфлаш экан, бу йўналишда давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифаларни оғишмай амалга оширамиз.

Мухтасар айтганда, электр бебаҳо неъмат. Унинг исроф бўлишига йўл қўймаслик, асраш масъулияти барчамиз учун виждон ишига айланиши керак.

**Ф. ХУДОЙБЕРДИЕВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# ОШИРИШДА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ

ваколатини таъминлаш фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Таъкидланганидек, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини суд йўли билан таъсирчан ҳимоя қилишга эришишда судларда ишлар кўрилишида иштирок этувчи прокурорлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш одил судловни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига судларда ишлар кўрилишида прокурор давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ҳақидаги қонунчилик бузилиши, Давлат бюджетидан ундирувлар, ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш, хусусий мулк сифатида эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш фактини аниқлаш ҳамда божхона тўловларини ундиришга оид ишларда қатнашишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, прокурор иштироки назарда тутилган фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича прокурор суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор этилмаган бўлса, у ушбу ишларни суддан талаб қилиб олиб ўрганиши ҳамда улар бўйича протест келтириши мумкинлиги мустаҳкамланмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

### Давлат мулки объектларини «ноль» харид қиймати бўйича реализация қилиш тартиби бекор бўлмоқда

Мажлисда "Давлат мулкини бошқариш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокамага сабаб бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан давлат мулкини гаровга қўйиш, баҳолаш ва оммавий савдоларга чиқариш, давлат мулки объектларини "ноль" харид қиймати бўйича реализация қилиш тартибини бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналарнинг ҳомийликка сарфланадиган харажатлари, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш билан боғлиқ нормалар белгиланмоқда.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасидаги нормаларга ўз муносабатларини билдириб, уларни такомиллаштириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берди.



Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат активларини замонавий услублар асосида сотиш орқали хусусийлаштиришни жадаллаштириш, бу жараёнларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

### Яна бир муҳим Конвенция ратификация қилинмоқда

Депутатлар "Халқаро меҳнат ташкилотининг Тўлиқсиз иш вақти шароитларида ишлаш тўғрисидаги 175-сонли Конвенциясини (Женева, 1994 йил 24 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Мажлисда депутатлар томонидан кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиб бораётгани, миллий меҳнат қонунчилигининг халқаро меҳнат стандартларига жавоб берувчи жорий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда мазкур Конвенцияни ратификация қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилди.

Мамлакатимизнинг ушбу Конвенцияга қўшилиши келгусида миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳужжатларида белгиланган тўлиқсиз иш вақти шароитида ишловчи ишчиларнинг меҳнат шароитлари, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминот бўйича камситишлардан ҳимоя қилиш, ишчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича халқаро стандартларни самарали жорий этишга хизмат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг келгусида халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан, Жаҳон савдо ташкилотига интеграциялашуви учун шароит яратилади, преференциялар умумий (бош) тизими доирасида Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик янада ривожлантирилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

### Барча учун тенг имконият яратилади

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларини амалга оширишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 37-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эга эканлиги белгилаб қўйилган. Бироқ бугунги кунда фуқароларни уларнинг яқин қариндошларида судланганлик, шу жумладан, тугалланган судланганлик ҳолати мавжудлиги сабабли ишга қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этиш ҳоллари учраб турибди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан фуқароларни ишга қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этишни тақиқлаш, шунингдек, фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ва уларнинг меҳнат муносабатларида қўшимча кафолатлар яратиш мақсадида "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонунга ҳамда Меҳнат кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Хусусан, "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддаси "қариндошининг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат фуқаролик хизматига қабул қилинишидаги ва уни ўташдаги ҳуқуқлари чекланиши учун асос бўлиши мумкин эмас" деган жумлалар билан тўлдирилмоқда.

Муҳокама давомида депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг аҳамияти ва айни чоғда заруратига алоҳида эътибор қаратиб, унда назарда тутилаётган айрим нормалар бўйича ўз таклиф ва фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролар ҳимоясининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда, жумладан, ишга қабулда тенг имкониятларни таъминлашга хизмат қилади.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

### «Ташаббусли бюджет» бўйича Бош вазир ўринбосарига парламент сўрови юборилди

Мажлисда депутатлар Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж. Қўчқоровга "Ташаббусли бюджети" асосида шакллантирилган лойиҳаларни молиялаштириш ва уларнинг натижадорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида" Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Маълум қилинганидек, Президентимизнинг "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан туман (шаҳар)лар тегишли бюджетларида тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизини ҳамда маҳаллий бюджетлар қўшимча маблағларининг камида 30 фоиз қисмини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши белгилаб қўйилган.

Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда фуқаролар бюджет маблағларининг шаклланишидан бошлаб то унинг сарфланишигача бўлган жараёнларни нафақат кузатиб бориш, балки унда иштирок этиш имкониятига эга бўлмоқда. "Очиқ бюджет" ва "Ташаббусли бюджет" каби лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ қилингани очиқлик ва шаффофлик сари жиддий қадам бўлди. Муҳими, фуқароларнинг бюджет масалаларига эътибори кучайди, бюджетни тақсимлайдиган идоралар масъулияти ортди, депутатларнинг ҳам назорати ошди.

Мажлисда бу борада амалга оширилаётган ишлар эътироф этилган ҳолда депутатларнинг сайлов округларидаги учрашувлари чоғида аҳоли томонидан "Ташаббусли бюджет" асосида лойиҳаларни танлаб олиш ҳамда уларни молиялаштириш жараёнлари юзасидан айрим эътирозлар билдирилаётгани айтилди.

Шундан келиб чиқиб, мажлисда фуқаролар таклифлари асосида шаклланган "Ташаббусли бюджет" лойиҳасини янада такомиллаштириш, танлов ғолибларини аниқлашда инсон омилини мумкин қадар қисқартириш борасида кўрилаётган чоралар юзасидан асослантирилган тушунтиришлар бериш ҳақида Бош вазир ўринбосарига парламент сўрови юборилди.

**«Халқ сўзи».**

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

## Фузулий меросига эҳтиром

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида буюк озар шоири Фузулий таваллудининг 530 йиллигига бағишланган адабий-маърифий анжуман уюштирилди.*

Мамлакатимизда бўлиб ўтаётган Озарбайжон маданияти кунлари доирасидаги ушбу тадбирда икки қардош юртнинг маданият, адабиёт соҳаси вакиллари, олимлар, тадқиқотчилар, талабалар қатнашди.

Анжуманда Фузулийнинг икки жилдлик "Куллиёт"и тақдимоти ҳам ўтказилди.

## «Заковат» топқирликка ундайди

*Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонасида Буюк Британия олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёш ватандошлар ўртасида "Заковат" интеллектуал ўйини бўлиб ўтди.*



Беллашувда "Эл-юртумиди" жамғармаси стипендиатларидан ташкил топган 8 та жамоа иштирок этди.

Якуний натижаларга кўра "Нукус" жамоаси ғолибликни қўлга киритди ва муносиб тақдирланди.

## «Термиз — Урумчи савдо уйи» иш бошлади

*Термиз шаҳрида "Термиз — Урумчи савдо уйи" ўз фаолиятини бошлади.*

Мазкур савдо уйи Хитойда ишлаб чиқарилган жиҳоз ва ускуналарни келтириб ўрнатиш ҳамда хитойлик тажрибали мутахассислар ёрдамида ишга туширишда қатор қулайлик яратади. Логистика ва транспорт хизматларидан фойдаланишга кўмаклашади. Бу каби ишлар вилоят тадбиркорларининг Хитой ишбилармон доира вакиллари билан алоқаларини, ўзаро шериклик ва фойдали мулоқотини янада фаоллаштиради.

Маълумот учун, апрель ойида Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида "Сурхондарё — Урумчи" савдо уйи очилган эди.

## Ҳаво кемаларига техник хизмат

*"Uzbekistan Airports" АЖ ва Италиянинг "EU Wings" компанияси ҳамкорлик шартномасини имзолади.*

Ушбу шартнома доирасида Италиянинг "EU Wings Srl" компанияси Тошкент, Бухоро, Навоий, Урганч, Наманган ва Фарғона халқаро аэропортларида ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатади.

Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон аэропортларига янги хорижий авиаташувчиларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратади ва қўшимча иш ўринлари очиш имконини беради.

## 400 нафар битирувчи ишли бўлди

*Андижон вилоятининг Балиқчи туманида "Меҳнат ярмаркаси" ташкил этилди. 1 минг 200 нафар битирувчи қатнашган ушбу ярмаркада 50 дан ортиқ иш берувчилар томонидан иш ўринлари тавсия қилинди.*



Тадбир давомида битирувчилар корхона ва ташкилотлардаги шароитлар, ойлик маош ҳақида етарли маълумотга эга бўлдилар. Шу куни 400 нафар ёш ишга кириш учун ўзаро шартнома тузишга эришган бўлса, бошқаларига мутахассислар томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девони Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси котибияти бош маслаҳатчиси Илдар Азизовга волидаи муҳтарамаси

**АЗИЗА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

**12-13 июнь кунлари пойтахтимизда Марказий Осиё минтақасининг тармоқлараро муҳим тадбирларидан бири — «Рақамли трансформация ва ўзаро ҳамкорлик» мавзуида халқаро ПЛАС-форум ўтказилади.**

# КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ ТАРИХИЙ ВОҚЕА



*Марказий Осиёни ягона минтақа сифатида ривожлантиришнинг аҳамияти ва долзарблигини инобатга олган ҳолда, давлатимиз раҳбари томонидан минтақадаги мамлакатлар билан барча йўналишда, жумладан, транспорт соҳасида конструктив ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш бўйича вазифалар белгилаб берилган эди. Негаки, транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш ва транзит юк ташиш ҳажмини кенгайтириш мамлакат иқтисодиётини юксалтиришнинг муҳим омилидир.*

## Нуқтаи назар



Ўтган ҳафта Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бўйича стратегик лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши бу йўлдаги катта ютуқлардан бири бўлди. Бу мамлакатларимиз ўртасида қарор топган анъанавий яқин ва кўп қиррали ҳамкорлик йўлидаги чинакам тарихий воқеа, десак, адашмаган бўламиз. "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида Трансконтинентал транспорт ва транзит коридорининг ажралмас қисми ҳисобланувчи ушбу муҳим инфратузилма лойиҳаси барча уч мамлакат — Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитойнинг манфаатларига тўлиқ мос келади. Янги темир йўл Хитой билан иқтисодий ҳамкорлигимизни кенгайтириб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

### Қадимий алоқаларнинг замонавий талқини

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли тарихий Буюк Ипак йўли бўйлаб ўтади. Дарҳақиқат, лойиҳа иштирокчилари бўлган бу давлатлар кўп асрлар давомида савдо алоқалари ва маданий алмашинув ривожига хизмат қилган ушбу қадимий йўлни замонавий шароитда қайта тиклашга киришмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, мазкур темир йўл Хитойни минтақамиз билан боғловчи энг қисқа қуруқлик йўлига айланади. Таҳлилларнинг кўрсатишича, унинг барпо этилиши ортиб бораётган юк ташиш сифатини ошириш, сарфланадиган вақт ва нархни сезиларли даражада камайтириш имконини беради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобича, юк ташиш ҳажми йилига 15 миллион тоннагача етиши мумкин, товарларни якуний истеъмолчиларга етказиш муддати эса 7 кунга қисқаради. Бундан ташқари, замонавий транзит ва логистика инфратузилмаси, омборхоналар ва терминаллар яратилади.

Лойиҳанинг амалга оширилиши оқибатида вужудга келадиган ижобий иқтисодий таъсирни барча мамлакатлар ҳис қилади. Аввало, янги корхоналар ва ўн минглаб иш ўринлари яратилади, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ва саноат кооперацияси кўлами, инвестициявий жозибадорлик ўсади ва асосий натижа — фуқароларимизнинг турмуш даражаси ошади. Келгусида ушбу йўл мамлакатларимизга истиқболли трансафғон йўлаги орқали Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ давлатларининг кенг бозорларига чиқиш имконини беради, транзит салоҳияти ва минтақалараро ўзаро боғлиқликни сезиларли даражада жипслаштиради.

Бу йўл Хитой учун ҳам Марказий Осиё ва Яқин Шарқни боғлайдиган энг истиқболли, энг қисқа йўл. Ҳозирги кунда Хитой ўз юкларини Европага Хитой — Мўғулистон — Россия — Беларусь — Европа Иттифоқи (8650 км.), Хитой — Қозоғистон — Каспий денгизи — Озарбайжон — Грузия — Туркия — Европа Иттифоқи (9120 км.), Хитой — Қозоғистон — Туркманистон — Эрон — Туркия — Европа Иттифоқи (10170 км.), Хитой — Европа Иттифоқи денгиз йўли (10 000 километрдан ортиқ) йўналишлари орқали жўнатяпти. Янги Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон янги темир йўли мавжуд Туркманистон — Эрон — Туркия ва Европа Иттифоқи йўналиши бўйича давом этиши, масофани 900 километрга, юкнинг йўлдаги вақтини саккиз кунга қисқартириши мумкин. Қолаверса, Европадаги зиддиятлар, 2023 йил октябрда бошланган Исроилнинг Ғазодаги уруши халқаро юк ташувчиларни янги йўналишларни қидириб топишга ундади. Юк ташишда Марказий Осиё маршрутининг афзаллиги ҳақида тобора кўп гапирила бошланди.

Ушбу кенг кўламли лойиҳани амалга ошириш учун Ўзбекистон ҳудудида барча зарур инфратузилма яратилган. Бундан ташқари, мамлакатимиз замонавий темир ва автомобиль йўллари миллий тармоғини кенгайтирмоқда, юкларни қайта ишлаш ва ташиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида рақамли технологияларни фаол жорий қилмоқда. Давлатимиз раҳбари Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бўйича стратегик лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги битим иштирокчиларига йўллаган табрик сўзида таъкидлаб ўтганидек, Ўзбекистон темир йўл қурилиши, имзоланаётган битим ва қабул қилинган "Йўл харитаси" бўйича изчил ҳамкорликни давом эттиришга тайёр. Узоқ муддатли умумий манфаатларимизга жавоб берадиган мазкур темир йўл дўстлик ва шериклик муносабатларимизни янада мустаҳкамлашга, мамлакатларимиз, халқларимиз фаровонлиги ва тараққиётига хизмат қилади. Шу жиҳатдан, Марказий Осиё ва Хитой давлат раҳбарларининг дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган онлайн саммитда ҳам Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳасини жадаллаштириш таклифларини билдиргани бежиз эмас.

Транспорт инфратузилмаси Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожининг драйверидир. Пандемия оқибатида Хитой — Марказий Осиё йўналиши бўйлаб етказиб беришда келиб чиққан логистик узилишлар мамлакатларимизнинг кўплаб тармоқларини зарур ускуналар ва хомашёсиз қолдирди. Бу ҳолат устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддатлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатди. Шу муносабат билан юк оқимининг узлуксизлигини таъминлаш ва трансминтақавий логистика тармоқларини ривожлантириш учун тизимли ечимлар ишлаб чиқиш фавқулодда муҳим.

### Марказий Осиёдан — Ҳинд океанигача

Ушбу йўл бизнинг мамлакатларимизга истиқболли трансафғон йўлаги орқали Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ давлатларининг кенг бозорларига чиқиш имконини беради. Жанубий Осиё географик жиҳатдан Марказий Осиёга ниҳоятда яқин. Масалан, Термиз шаҳридан Покистоннинг Карачи портигача атиги 660 километр йўл босиш кифоя. Бу ҳатто мамлакатдаги бир шаҳардан иккинчисигача бўлган масофадан ҳам кам. Шу нуқтаи назардан, Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар йўналиши Марказий Осиёдан Ҳинд океанига олиб борувчи энг қисқа йўл эканини қайд этиш жоиз.

Денгиз портларига чиқиш ҳамда бу бўйича қулай транспорт коридорларини яратиш Ўзбекистон учун стратегик вазифа. Бусиз дунё билан савдо-сотиқ қилишимиз, миллий маҳсулотларнинг ҳамёнбоплигини таъминлашимиз, экспорт салоҳиятини ошириб, иқтисодий тараққиёт сари илдамлашимиз имконсиз. Яқин-яқингача Афғонистон ва Покистонга фақат таҳдид манбаи сифатида қаралларди. Улардан имкон қадар узоқлашиш, барча даражадаги алоқаларни формал тусда олиб бориш тенденцияси мавжуд эди. Бироқ 2016 йилда Ўзбекистон бу масалага ёндашувини кескин ўзгартирди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан тарихда биринчи маротаба қўшни Афғонистонни имкониятлар мамлакати, дея эътироф эта бошладик. Аввалроқ Ҳиндистон билан икки томонлама ҳамкорликни кучайтирган Ўзбекистон Эроннинг Чобаҳар портигача чўзилган Мозори-Шариф — Ҳирот темир йўли қурилишидан манфаатдорлигини билдирганди. Эндиликда Покистон билан алоқаларни мустаҳкамлаш асносида мамлакатимиз яна бир йирик транспорт-логистик лойиҳа — Пешаворга олиб борувчи трансафғон темир йўли қурилишига бош қўшмоқда. Чунки бунинг ортида, авваламбор, иқтисодий манфаат ётибди.

> *Муқобил транспорт маршрутларидан фойдаланиш хорижий ҳамкорлар билан савдо алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Шунга қарамай, Ўзбекистон жаҳон бозорларига чиқиш учун янада мақбул вариантларни излашда давом этяпти.*

Жанубий Осиё минтақаси билан яқинлашишимизнинг асл сабаби ҳам шунда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 23 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75-юбилей сессиясида илгари сурган БМТ кўмаги остида транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш бўйича Минтақавий марказни ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси Марказий Осиё минтақасида транспорт-коммуникация соҳасини ривожлантиришга ва ушбу йўналишдаги муаммоларнинг самарали ечимини топишга қаратилган.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантиришни устувор вазифа сифатида кўрмоқда. Бу йўналишда бир қатор амалий ишлар бажарилди. Жумладан, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида ҳаво қатнови ва Ғалаба — Амузанг — Хушади темир йўли тикланди. Ўзбекистон ва Туркманистон саъй-ҳаракатлари билан Амударё орқали ўтадиган Туркманобод — Фороб янги темир йўл ва автомобиль кўприклари очилди. Бу йўл юк ташиш ҳажмини 2,5 баробар ошириш имконини берди. Амударё орқали ўтадиган кўприклар юк оқимларини Осиё ва Тинч океани минтақаси, Жанубий Осиё давлатларидан Каспий денгизи, ундан кейин Қора денгиз ва Ўрта Ер денгизи минтақаси, Европа, Кавказорти, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига тўғридан-тўғри олиб чиқиш имконини беради. Шунингдек, ушбу кўприклар Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Ўмон транспорт-транзит йўналишининг муҳим бўғини ҳисобланади. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида автобус йўналишлари, тезюрар темир йўл алоқалари ишга туширилди. Қирғизистон билан Марказий Осиёдан илк бор тўғридан-тўғри Хитойга чиқадиган Тошкент — Андижон — Ўш — Иркештом — Қашқар автомобиль йўлаги бўйича қатнов йўлга қўйилди.

Юқорида айтилган Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли лойиҳасининг амалга оширилиши лойиҳа иштирокчилари ҳамда Марказий Осиёнинг бошқа барча давлатлари ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш имконини беради. Шуни таъкидлаш лозимки, 2023 йилда Хитой 2 триллион доллардан ортиқ қийматдаги маҳсулотларни импорт қилди. ШҲТ мамлакатлари бўйича бу кўрсаткич 300 миллиард долларни ташкил этди. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 15 йил ичида Хитой импортини 30 триллион долларга етказмоқчи. Шуни таъкидлаш керакки, товарларни Хитойдан Европага Марказий Осиё орқали ташиш масофаси денгиз йўлига қараганда 2 баробар, Россия орқали ўтадиган транспорт йўлагига нисбатан эса 2,5 баробарга қисқароқ.

### Истиқболга йўналтирилган ташаббуслар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ шафелигида транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш бўйича Минтақавий марказни ташкил этиш ташаббуси минтақада транспорт-коммуникациялар соҳасини ривожлантиришга ва бир қатор устувор режаларни рўёбга чиқаришда, жумладан, минтақада транспорт-логистика соҳасини умумий ривожлантириш бўйича минтақавий дастурлар ва стратегик аҳамиятга эга ҳужжатларни қабул қилишга, тўсиқларни бартараф этиш ва истиқболли транспорт йўлакларини шакллантириш бўйича ёндашувларни аниқ чора-тадбирлар асосида амалга оширишга йўналтирилган. Қолаверса, Минтақавий марказнинг тузилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг Марказий Осиёда транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича илгари сурган бир қатор ташаббусларини амалга оширишга, жумладан, Марказий Осиёнинг минтақавий транспорт йўлакларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва шу асосда Марказий Осиё транспорт тизимини барқарор ривожлантириш бўйича минтақавий дастур қабул қилиш ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари транспорт коммуникациялари бўйича минтақавий кенгашни шакллантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг транспорт транзит йўлакларини ривожлантириш ташаббусини илгари сураётгани бежиз эмас. Ўзбекистон ташқи савдоси таъминот занжирларининг узилиши ва транспорт харажатларининг ошишидан азият чекмоқда. Бунга, хусусан, мамлакатимизнинг денгизга тўғридан-тўғри чиқа олмаслиги ва мавжуд транспорт йўналишларига қарамлиги ҳам сабаб бўляпти. Бундан ташқари, Европа келажакда Ўзбекистон экспортини диверсификация қилишда муҳим роль ўйнаши эҳтимолдан холи эмас. Таҳлилчиларнинг фикр билдиришларича, Ўзбекистон учун ҳам янги имкониятлар очилмоқда, чунки "Ўрта йўлак"нинг кенгайиши товарлар оқимини Ўзбекистонга яқинлаштиради ва ҳатто қисман мамлакат орқали йўналтиради, бу эса халқаро транспорт-логистика занжирларига интеграциялашувига ҳисса қўшиши керак.

Маълумотларга кўра Ўзбекистон Туркманистоннинг Туркманбоши порти орқали экспортни аллақачон амалга оширмоқда. "Ўрта йўлак" Ўзбекистоннинг минтақавий логистика марказига айланиш режаларини уддалашга ҳам йўл очиши жоиз. Ўрта муддатли истиқболда халқаро қиймат занжирлари ва бозорлар билан алоқаларни яхшилаш орқали Ўзбекистон "Ўрта йўлак"ни кенгайтиришдан фойда кўриши мумкин. Ҳарқалай, ўтган йиллар ичида Ўзбекистон ташқи савдо маршрутларини бирмунча диверсификациялашга эришди. Илгари фақат шимолга йўналган халқаро темир йўлдан фойдаланардик. Ўтган асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмида эса Тежен шаҳри (Туркманистон) орқали Форс кўрфазига чиқиш ҳамда Эроннинг Бандар-Аббос денгиз портидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. Дарвоқе, ўз вақтида ўзбек пахтаси айнан шу йўл билан жанубий бозорларга етказиб берилган. Янги йўналиш ҳисобига республиканинг транспорт харажатлари бирмунча қисқарди.

Кейинчалик Қозоғистон орқали Шарқий Хитойга йўл очилди. Бундан ташқари, охирги икки-уч йилдан буён мамлакатимиз логистика компаниялари юк контейнерларини Ўрта Ер денгизи, жумладан, Туркия портларига жўнатяпти. Бунда Жанубий Кавказ (Боку — Тбилиси — Карс) транспорт йўлаги, айниқса, қўл келмоқда. Кўриниб турганидек, эндиликда Ўзбекистон юк ташувларида фақат шимолий йўналиш — Қозоғистон ва Россияга боғланиб қолмаган. Муқобил транспорт маршрутларидан фойдаланиш хорижий ҳамкорлар билан савдо алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Шунга қарамай, Ўзбекистон жаҳон бозорларига чиқиш учун янада мақбул вариантларни излашда давом этяпти.

Ҳозирги кунда Трансевроосиё транспорт коридорларининг фаоллашувини кузатяпмиз. Улар жаҳон савдосининг йирик субъектлари — Европа мамлакатлари, Хитой ва Ҳиндистонни бир-бири билан боғлайди. Ўзбекистон ушбу вазиятдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун, аввало, транспорт маршрутларини диверсификациялаш, яъни фақат денгиз ёки фақат қуруқликдаги йўллар билан чекланиб қолмаслик зарур. Ўзбекистоннинг амалдаги транспорт сиёсати худди шу мантиққа асосланган. Бугунги кунда Ўзбекистон қизиқиш билдираётган транспорт коридорлари аслида халқаро логистика тизимининг бир бўлаги саналади. Ушбу йирик лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодий манфаатларига жавоб беради.

Глобал интеграция ва ҳамкорлик жараёнларида фаол иштирок этиш, шунингдек, жаҳон бозорларига чиқиш учун транспорт йўналишларини диверсификация қилиш зарур. Шунинг учун Ўзбекистон томонидан Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўллари лойиҳалари илгари сурилмоқда. Бу лойиҳалар стратегик аҳамиятга эга бўлиб, нафақат Ўзбекистон, балки ушбу ҳудудлар учун ҳам янги имкониятларни очиб беради. Биз ўз олдимизга 2030 йилга бориб дунёнинг аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олишни аниқ мақсад қилиб қўйганмиз. Демак, янги истиқболли транспорт йўлаклари ҳар доимгидан муҳим аҳамиятга эга.

**Садриддин ТУРОБЖОНОВ,**
**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори, академик.**

## Тиббиёт

# УЙДАН ЧИҚМАСДАН ШИФОКОР ҚАБУЛИГА ЁЗИЛИШ МУМКИН

*Тиббиёт соҳасига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар сабабли Наманган шаҳридаги 12-оилавий поликлиникада аҳолига хизмат кўрсатиш ишларини рақамли асосга кўчириш имконияти яратилди.*




Гап шундаки, ушбу муассасага оптик толали алоқа тармоғи ўтказилиб, компьютерлар тўлиқ интернетга уланди ҳамда аҳоли рўйхати шакллантирилди. Бу ерда ишга туширилган "электрон поликлиника" тизими автоматлаштирилган электрон амбулатор картани юритиш, аҳолига онлайн усулда, яъни уйдан чиқмасдан яшаш жойи бўйича шифокор қабулига ёзилиш, фуқарога қулай вақтда тиббий хизмат олиш имконини бериши билан бир қатор афзалликларга эга.

Эътиборли жиҳати, жорий этилган янгилик орқали ҳар бир фуқаро саломатлигига доир барча маълумот ягона электрон базага жамланади. Айтайлик, фуқаронинг қон гуруҳи, ёшлигида қандай касаллик билан оғригани, нимага аллергияси борлиги, аввал қандай муолажалар олгани сингари барча маълумот ушбу базада акс этиб туради. Поликлиника шифокори бемор ҳузурига келгунига қадар у хусусида барча маълумотга эга бўлади. Бу билан тизимда кўпчиликнинг вақтини оладиган ортиқча қоғозбозликка барҳам берилади. Вақт тежалади, тиббий хизмат сифати ва самарадорлиги ошади.

Шу ўринда тиббий муассасадаги ўзгаришларни молиялаштиришда "Ташаббусли бюджет" имкониятлари қўл келганлигини таъкидлаш жоиз. Поликлиника жамоаси ушбу ахборот портали дастури асосида кетма-кет тўрт маротаба фуқаролар томонидан овоз йиғиш орқали ғолиб чиқиб, 2 миллиард 82 миллион сўм маблаққа эга бўлди.

Бунинг ҳисобидан муассаса биноси қайта таъмирдан чиқарилиб, сифатли тиббий хизмат учун зарур қулай шароитлар ҳозирланди. Вилоятда ягона бўлган замонавий рентген аппарати, 30 та янги русумли компьютер, қуёш панеллари билан жиҳозланди.

— Шаҳар ва туманлардаги бирламчи бўғин муассасалари алоҳида дастур асосида босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда, — дейди Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассиси Хумоюн Аҳмаджонов. — Айни пайтда жойлардаги 25 та оилавий поликлиника тўлиқ электрон тизимда ишлашга ўтказилди. Келгуси йил охирига қадар мавжуд 194 та поликлиниканинг барчасида рақамлаштирилган тартибда хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА

**TABIIY GAZNING NARX VA TARIFLARI**

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Idoralararo tarif komissiyasining yig'ilish bayoni qaroriga muvofiq, ayrim neft-gaz tarmog'i korxonalariga sotiladigan tabiiy gazning yangi narx va tariflari belgilangan.

Unga ko'ra "UzGasTrade" AJ tomonidan "Hududgazta'minot" AJga 2024-yil 1-iyuldan sotiladigan tabiiy gazning 1 ming kub metri uchun tarifi qo'shilgan qiymat solig'ini hisobga olgan holda 940 000 so'mni tashkil qiladi.

**«UZGASTRADE» AKSIYADORLIK JAMIYATI.**

**Латвиянинг машҳур Юрмала шаҳрида ташкил этилган халқаро фестивалда Ўзбекистон туризм салоҳияти кенг намойиш қилинди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 14 054 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.32 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6